



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING FARMOYISHI

2021 yil «18» январь

№ 14-ф

Toshkent sh.

ХДФУ

\_\_\_\_\_ - нусха

“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси фаолиятига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, муҳандислик-коммуникация тизимларини мунтазам мониторинг қилиб бориш, юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни тезкор аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, ушбу тизимларнинг техник ҳолатини доимий кузатиб ва баҳолаб бориш, шунингдек, юқори сифатли медиа маҳсулот ва лавҳалар тайёрлаш мақсадида:

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасига учувчисиз учиш аппаратларини олиб кириш ва улардан фойдаланишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасига учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида хулоса берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг мурожаатига мувофиқ радиоэлектрон воситалар билан жиҳозланган учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш учун рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш мониторингини ва суратга олинган материаллар икки иш кунида назорат текширувидан ўтказилишини ташкил этсин.

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Б.Н. Қурбонов ҳамда “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси бош директори Қ.С. Санакулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов